2024-yil 16-yanvar // seshanba // № 9 (4917)

*Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!*

# Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi | https://t.me/ishonchgz

***Иқлим***

*«Ўзгидромет» эълон қилган об-ҳаво прогнозига кўра, 16 январь куни мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ёмғир ва қор ёғиши мумкин.*

*Шимолий ҳудудларда ҳарорат кечаси -8...-13 даража, кундузи -0...-5 даража бўлади. Жанубий минтақаларда кечаси -2...+3 даража, кундузи +7...+12 даражани ташкил этади. Водий вилоятларида эса кечаси ва кундузи +0...+5 даража бўлиши кутиляпти.*




## ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ



**Қийналган кишининг мушкулини осон, оғирини енгил қилишнинг савобига ҳеч нарса етмайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошида куну тун ишлайдиган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» фаолияти ҳам хайрли ишларга камарбаста.**

Жиззах вилояти Арнасой туманида яшовчи Гулноза Тожибоевага уйини таъмирлаш жараёнида томни янгилашга маблағи етмай қолди. У бошлаган ишини тезроқ тугатиш илинжида «Ишонч телефони»га чиқди. Бўлим ходимлари аризани яқиндан ўрганиб, туман ҳокимиятига юзланишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, туман васийлик кенгашидан Г.Тожибоевага 3 728 000 сўм ёрдам пули ўтказилиши ҳақида хабар келди.

Қашқадарёнинг Чироқчи туманидан Назокат Норқораеванинг ер майдони 18 сотихдан иборат. Бироқ Солиқ бошқармаси базасида 38 сотих, кадастр ҳужжатларида эса 20 сотих деб қайд этилганидан фуқаро неча йиллар ортиқча ер солиғи тўлаб келган. Устига-устак яқинда 3 000 000 жарима тўлови келди. Назокат тегишли ташкилотларга мурожаат қилса-да, нафи тегмади. 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»дан хабар топган Назокат нажот истаб сим қоқди.

Мавжуд муаммо атрофлича ўрганиб чиқилиб, масалани ойдинлаштириш учун вилоят ҳокимиятига хат жўнатилди. Ҳокимиятдан Н.Норқораеванинг ери Кадастр бошқармаси томонидан қайта ўрганилиши ва адолат қарор топишига ишонч билдирилган жавоб хати келди. У эндиликда ўзига қарашли 18 сотих ер учунгина ер солиғи тўлаши мумкин.

Киши қаерда қанча вақт ишлашидан қатъи назар меҳнат ҳақини олиши шарт. Лекин хусусий фирмалар ишчи-ходимларнинг иш ҳақини бермаяпти ёки кечиктиряпти. Бундай ҳолатларнинг бири Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида содир бўлди. «Анзур натурал» номли фирмада икки ой ишлаган ўн нафардан зиёд ишчига ойлик маошлари тўланмаган. Норози бўлганлардан бири Сарвигул Очилова «Ишонч телефони»га чиқиб, юзага келган ҳолатдан огоҳ этди. Вазият ўрганилиб, ишчи-ходимларнинг шикоятлари қаноатлантирилди.

Навбатдаги телефон Малика Акромовадан бўлди. Аниқланишича, Маликанинг эри Ҳусниддин Акромов иш жараёнида жароҳат олиб, II гуруҳ ногиронлигига чиққан.

Тошкент шаҳридаги «Агрегат заводи» АЖ Ҳ.Акромовга ҳар ой 800 000 сўм компенсация тўлаб келар экан. Негадир охирги 3 ойлик компенсация тўланмабди.

Бўлим томонидан муаммо ўрганилиб, жабр кўрган томонга ёрдам берилди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ўрнатилган тартиб асосида Х.Акромовга тўланмаган товон пуллари қайтарилиши маълум қилинди.

Хайрли ишларнинг бардавомлиги қувонарли ҳол, албатта. Бу мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг қониқарли йўлга қўйилгани далолати ҳамдир.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
*«ISHONCH»*

***Тошкент шаҳри***

***Эътибор***

## Фахрийлар ИЗЗАТДА

**«Тошшаҳартрансхизмат» АЖда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир ташкил этилди. Ташкилот касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда тизимда фаолият кўрсатаётган Афғон уруши иштирокчилари қутланди.**

Қўшма интернационал миллатлар Афғон уруши қатнашчилари Ассоциацияси Кенгаш аъзоси, истеъфодаги генерал лейтенант Юрий Агзамов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Ветеран жангчи фахрийлар бирлашмаси раиси ўринбосари, Бирлашма Тошкент шаҳар кенгаши раиси, полковник Рустам Султонов юртимиз Қуролли кучларининг қудрати ва истиқболлари ҳақида кенг тўхталди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, подполковник Абдураззоқ Обрўев сўзга чиқиб, ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Тадбир сўнгида қатнашчиларга совғалар улашилди. Янграган куй-қўшиқлар даврага ўзгача руҳ бағишлади. Ғалаба боғига уюштирилган сайр байрам руҳига руҳ қўшди.

*Ўз мухбиримиз*



# Касаба уюшмаси аралашгач...

***Фарғона вилояти***

**Бағдод туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси С.Қўрчиева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.**

## ҲАЙФСАН бекор қилинди



Аризада унга нисбатан иш берувчи томонидан ҳайфсан интизомий жазо чораси нотўғри қўллангани билдирилган.

Мурожаат ўрганилганда ходимга берилган интизомий жазо чораси қўлланилишида қонунчилик талаблари бузилгани аниқланди. Жараёнда мактаб директорига интизомий жазо бериш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштиришда йўл қўйган қонунбузилиш ҳолатлари тушунтирилди ва шу куннинг ўзида С.Қўрчиевага берилган ҳайфсан интизомий жазо чораси бекор қилинди.

**Мансурбек УСМОНОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси*

***Сурхондарё вилояти***



## ИШ БЕРУВЧИ ХАТОСИНИ ТАН ОЛДИ

**Қумқўрғонлик Исмоил Алланазаров 2015 йилдан буён «Сурхон пармалаш ишлари» акциядорлик жамиятида турли лавозимларда ишлаб келаётган эди.**

2023 йилнинг 26 сентябрида у билан тузилган меҳнат шартномаси, ўз хоҳишига кўра, бекор қилинди. Иш берувчининг тегишли буйруғи билан охирги пулларни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаб бериш бош ҳисобчига юклатилди. Аммо ғазнабон бу ишни турли баҳоналар билан пайсалга солаверди. Оқибатда, «Сурхон пармалаш ишлари» акциядорлик жамиятининг собиқ ходими ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш мақсадида касаба уюшмаларига мурожаат йўллади.

Ўрганишлар давомида қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, иш берувчи И.Алланазаровга 2023 йилнинг май ойи учун 1 миллион 400 минг 667 сўм иш ҳақи ҳамда 2021-2022 йиллардаги меҳнат таътили учун 9 миллион 483 минг 308, фойдаланилмаган таътил учун эса 11 миллион 416 минг 749 сўм, жами 22 миллион 300 минг 719 сўм пулни белгиланган тартибда тўламаган.

Аниқланган камчиликлар юзасидан касаба уюшмалари «Сурхон пармалаш ишлари» акциядорлик жамиятига кўрсатма хати юборди. Иш берувчи ўз хатосини тан олди ва собиқ ходимнинг меҳнат ҳуқуқини тиклаш учун судга мурожаат қилишга ҳожат қолмади – кўрсатмага биноан, И.Алланазаровга 22 миллион 300 минг 719 сўм тўлаб берди.

**Зариф ХОЛОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори*

***Тақдимот***

## Ярим аср аввалги НОЁБ ЭКСПОНАТ

**Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сиймоси акс этган медальон Ўзбекистон тарихи музейига топширилди**



Россиянинг Свердловск вилоятидаги Ўзбек миллий маданият маркази раҳбари Обид Туратов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейига ўзига хос совға билан ташриф буюрди.

«Ватандошлар» жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда у музейга Абу Райҳон Беруний таваллудининг минг йиллиги муносабати билан тайёрланган ноёб медальонни топширди.




Ушбу медальон 1973 йилда собиқ иттифоқда ҳайкалтарош Юрий Халдеев томонидан Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб ягона нусхада ясалган. Айни вақтда у ноёб экспонат ҳисобланади.

– Ўтган йилнинг 4 сентябрь куни Екатеренбург шаҳрида миллатлараро кутубхона ташаббуси билан Беруний бобомизнинг 1050 йиллик юбилейи кенг нишонланди, – деди Обид Туратов. – Тадбирда турли миллат вакиллари, олимлар, тарихчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ўшанда грек миллий маданият маркази раҳбари Даниель Иванович бизга қимматбаҳо металлдан ясалган бир медальон совға қилди. Бугун бу ноёб тарихий ёдгорликни ўз Ватанимга, унинг тарих музейига топширишдан ғоят мамнунман. Биз буюк аждодларимиз билан фахрланамиз, улар қолдирган меросни асраб-авайлашга ҳамиша интиламиз.

– 2022-2023 йиллари буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонланди, – дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Бахтиёр Каримов. – 2 йил давомида 10 дан зиёд давлатларда халқаро конференциялар бўлиб ўтди, тўпламлар нашр қилинди. Бундай катта эътиборни, албатта, буюк бобомизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси билан изоҳлаш мумкин.

Бугун унинг хотираси билан боғлиқ экспонатнинг Ўзбекистон тарихи давлат музейига миллат мулки сифатида топширилиши буюк боболаримиз хотирасини эъзозлаш каби эзгу ишларнинг бир намунасидир.

Медальон музейнинг «Биринчи Ренессанс даври» бурчагига қўйилди. Бу экспонат тарихнинг бир парчаси сифатида музейда узоқ йиллар сақланажак.

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*

***Тадбир***

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тадбир бўлиб ўтди.**

## ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

У Мудофаа вазирлигининг ҳарбий тиббий академияси билан ҳамкорликда уюштирилди. Меҳмонлар ва фахрийлар ҳарбий оркестр садолари билан тантанали кутиб олинди.

Сўнгра вазирликнинг тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи Носиржон Фозилов сўзга чиқди.

Тадбир ниҳоясида унда қатнашган фахрийларга эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаларига китоблар совға қилинди.

**Гулноза ТОШПЎЛАТОВА,**
*Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси*

DAVR

Adabiyot atomdan kuchli, lekin uning kuchini o'tin yorishga sarf qilish kerak emas.
Abdulla QAHHOR

2024-YIL 16-YANVAR, SESHANBA
№ 9 (4917)

Қорақалпоғистон Республикаси



*Анжуман*

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик кенгашлари: ҳуқуқий асослари ва халқаро тажриба» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда республика, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раислари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.**

Семинарда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг халқаро ва маҳаллий грант танловларидаги иштирокини кучайтириш, жамоатчилик аҳамиятига эга лойиҳаларни такомиллаштиришдаги вазифалар, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари, уларнинг ҳуқуқий асослари ва халқаро тажрибалар тўғрисида маълумотлар берилди.

– Ислоҳотларни амалга оширишда бир-иккита давлат органининг саъй-ҳаракати билан кутилган натижага эришиш қийин, албатта. Мазкур йўналишда жамоатчилик назорати институтлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз зарур. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш долзарб вазифалардан бири саналади, – дейди юридик фанлар доктори Ф.Отахонов.

«Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти USAID ташкилоти билан ҳамкорликда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши ва ижтимоий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ўрни, давлат органлари билан ўзаро муносабатлари юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганмоқда.

Тузилган сўровномада билдирилган фикрлар муҳокама қилинган семинарда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
*«ISHONCH»*

* * *

Тошкент шаҳри



## МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДА ЯНГИ ҚАДАМЛАР

**«Ботаника» ҳамда «Турон» санаторийларида маърифат соати ўтказилди. Унда 2023 йил 22 декабрь куни Республика маънавият ва маърифат кенгашидаги мажлисда давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларга бағишланган тадбирда маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз борди.**

Таъкидланганидек, охирги йилларда бу соҳада ҳам кўплаб хайрли ташаббуслар илгари сурилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Жумладан, маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Республика маънавият ва маърифат маркази тизимидаги ходимлар сони икки карра оширилди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида маданият ва санъат соҳасини қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан беш карра ошиб, бунинг учун 2023 йилда 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

– Давлатимиз раҳбари ўша кунги йиғилишда «Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак» дея таъкидлади, – дейди Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув-услубий маркази мутахассиси Маҳмуда Мурзаева. – Айниқса, корхона ва муассасаларда ойнинг бир кунини «Театр куни» этиб белгилаш айни муддао бўлди. Ўзбек тилини ўқитиш самарасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, Миллий сертификатга эга бўлган «Ўзбек тили ва адабиёти» фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб, 50 фоиз устама тўланиши, Интернет адабиётини ривожлантириш мақсадида «Ўзбек маданияти» порталини яратиш вазифаси қўйилгани, умуман олганда, ушбу йиғилишда кун тартибига олиб чиқилган ҳар бир масала келгусида миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни янада юксак чўққиларга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз**

Хоразм вилояти

*Фаолият*

# ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг олтинчи мажлисида ўтган йилдаги фаолият якунлари ва жорий йилги устувор вазифалар таҳлил қилинди. Мажлисни кенгаш раиси Гулсара Қурбонбоева олиб борди.**





Таъкидланганидек, якунланган йилда касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларининг билим савиясини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда 681 та бошланғич ташкилотга амалий ва услубий кўмаклашилди. Барча шаҳар ва туманларда ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Шунингдек, Касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти томонидан 120 нафар бошланғич касаба уюшма ташкилоти раисларига масофавий ўқишлар уюштирилди.

Нодавлат сектори тизимидаги корхона, ташкилот, муассасаларни касаба уюшмаларига жалб қилиш борасида олиб борилган ишлар натижасида 724 та корхона, ташкилот ва муассасада касаба уюшмалари тузилиб, 8240 нафар ходим аъзоликка олинди.

Вилоят тизимидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» дастурига киритилган тадбирларнинг бажарилишига 3 млрд. 672 млн. 500 минг сўм сарфланди, шундан 2 млрд. 501 млн. 500 минг сўм иш берувчи, 1 млрд. 171 млн. сўм касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидандир.

Аъзоларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги асосий кўрсаткич, бу иш ҳақининг қонунда белгиланган миқдоридан кам бўлмаслигидир. Тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари томонидан 2023 йилнинг ўтган даври давомида 217 та корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ҳақининг энг кам миқдорига риоя қилиниши бўйича мониторинг олиб борилди. Шунингдек, корхона, ташкилотларда ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида тўланишининг назорати бўйича мунтазам мониторинг ўрнатилган.

Ўтган йил давомида кенгашга 159 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 135 таси ёзма, 13 таси электрон ва 11 таси оғзаки мурожаатлардир.

Мурожаатлар асосида қонунбузилиш ҳолатларининг бартараф этилиши юзасидан иш берувчиларга 15 та кўрсатма киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда 60 нафардан зиёд фуқароларни ишга тиклашда даъвогар сифатида 106 маротаба ва мутахассис сифатида 13 маротаба қатнашилди. Натижада касаба уюшма аъзолари манфаатларига 414 млн. 331 минг сўм пул маблағлари ундирилишига эришилди.

Жамоатчилик назорати ўтказилган 34 та ташкилотда аниқланган 68 та камчилик юзасидан 19 та ёзма кўрсатма берилди. Натижада 14 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланишига эришилди.

Ходимларни спортга жалб қилиш, оммавийликни таъминлаш мақсадида касаба уюшма аъзолари ўртасида кўплаб спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. Жумладан, шаҳар, туман тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан 550 дан ортиқ ташкилот, корхона ва муассасалардаги аёллар ўртасида волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси, бадминтон спорт турлари бўйича «Спорт нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида мусобақалар уюштирилди.

Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида 2189 та корхона, ташкилот ва муассасада ишчи-ходимлар ичидан тайинланган мураббийлар томонидан соғломлаштириш машқлари ташкил этиб келинмоқда. Соғломлаштириш машқлари билан 162 мингдан ортиқ ходимлар шуғулланмоқда.

Йил давомида ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, уларнинг маънавий озуқа олишларига ҳисса қўшиш, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида кўплаб тадбирлар уюштирилди. Жумладан, Хива шаҳри ва вилоятдаги диққатга сазовор қадамжоларга 19134 нафар ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларга 5026 нафар касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар ташкил қилинди.

2189 та бошланғич ташкилотда «Маърифат соатлари» ўтказилиб, жами 208 мингдан ортиқ ишчи-ходим қатнашди. Шунингдек, 2150 нафар касаба уюшма аъзоларининг концерт, 1538 нафарининг театр, 5621 нафарининг музей ва кўргазма залларига ташрифи йўлга қўйилди. Санатор-курортларга 2982 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Шунингдек, 144 нафар халқ таълими бўлими мудирлари ва услубчилари, умумтаълим муассасалари директорлари ва ўқитувчилари бепул соғломлаштирилди.

Кам таъминланган ва кўп болали ҳамда олис ва чекка туманларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи аёлларга 14 дона, тиббиёт муассасалари ходимларига 5 дона, ишлаётган кексаларга 24 дона, фарзанд кўрмаган оилаларнинг ишлайдиган аъзоларидан «Умид гулшани» санаторийсига 12 дона йўлланма бепул ажратилди.

Бугина эмас. Вилоят кенгашининг Ёшлар бирлашмаси томонидан ҳам йил давомида муайян ишлар амалга оширилди. Жамоа шартномаларининг ёшларга берилаётган қўшимча имтиёз ва кафолатлари юзасидан мониторинг олиб борилди. 20 та жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилди.

Кенгаш мажлисида амалга оширилган шу каби чора-тадбирлар танқидий таҳлил қилиниб, олдинда турган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
*«ISHONCH»*

Фарғона вилояти

*Ўқув-семинар*

## ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши тасарруфидаги 50-давлат мактабгача таълим ташкилотида «Бошланғич ташкилотларда 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши ҳамда 2024 йил учун қўшимча ўзгартиришлар киритиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда 59 та ДМТТ директорлари ва бошланғич касаба уюшма қўмита раислари қатнашди.**





Дастлаб касабақўм етакчилари 50-ДМТТ касаба уюшма қўмитасининг иш ҳужжатлари билан танишишди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан 50-ДМТТ мудираси Дилшода Турдиалиева ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Матлуба Баратованинг 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, яратилган қулай ва хавфсиз иш шароитлари, уларни турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш борасида олиб борилган ишларга батафсил тўхталиб ўтилди. 31 нафар ходим меҳнат қилиб келаётган муассасада аъзоларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш жамоа шартномасида ўз аксини топган бўлиб, ундаги бандларнинг ижросига жиддий эътибор қаратилганига алоҳида урғу берилди.

Семинар иштирокчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлди.

**Мирзажон ҚУРБОНОВ,**
*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси*

Андижон вилояти

*Меҳнат муҳофазаси*

## ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти бирлашган қўмитаси «Бошланғич касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш» мавзусида ўтказган ўқув-семинарда муносиб меҳнат муҳофазаси тўғрисида фикр юритилди.**

Бевосита фактлар асосида фикр юритадиган бўлсак, йил давомида 79 та корхона, ташкилот ва муассасада жамоатчилик назорати олиб борилди.

Ўрганишлар даврида 130 та камчилик аниқланди. Уларни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга 55 та кўрсатма киритилиб, камчиликларни бартараф этишга эришилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида иш фаолиятида фойдаланиш учун меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг электрон шакли берилиб, иш берувчиларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларини тайёрлашда меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари мавзусида меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси Дилшодбек Қаюмовнинг маърузаси барча учун фойдали бўлди.

Ўқув-семинар асноси меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

**Музаффар АЗИМХЎЖАЕВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашининг меҳнат техник инспектори*

Бухоро вилояти

*Миннатдорлик*

**Фидойи, тажрибали, ғайратли ва шижоатли педагоглар жамоаси шаклланган мактабимиз республикада ўз ўрнига эга бўлган таълим масканларидан бири. Ўз ўрнида ўқувчиларнинг ютуқлари ҳам шунга яраша. Халқаро ёки республика миқёсидаги фан олимпиадалари дейсизми, турли йўналишдаги кўрик танловларми, спорт мусобақаларими – улар ҳамиша пешқадамлар сафида.**

## ЯНГИ КУЧ ВА ШИЖОАТ БИЛАН

Сўнгги йилларда ўқув даргоҳимизда кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Янги ошхона, стадион, мутолаа боғлари шодлигимизга шодлик қўшди. Мактабимиз биносида фаолият бошлаган ўқув марказ эса кўпларнинг орзусини рўёбга чиқарди. Эндиликда ўғил-қизларимиз шу ернинг ўзидаёқ билимли ва тажрибали репититорлардан қўшимча илм олиши мумкин. Замон талабларига мос тарзда жиҳозланиб, ихтиёримизга топширилган Мономарказ биносида эса энди иккита тил ва ҳунар ўргатилади. Бу каби қулайликлар таълим самарадорлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Жамоадошларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаси раиси Зуҳра Адилова жонбозлик кўрсатиб келяпти. Жумладан, нафақага чиқиш арафасида турган устозлар ҳамда 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан илғор ўқитувчиларга совғалар тақдим этилиши, узоқ йиллардан буён фаолият юритаётган педагогларга ҳордиқ чиқариш учун нуфузли сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилиши, Янги йил байрами муносабати билан ёш болали ўқитувчиларга совғалар улашилиши айни муддао бўлди. Бундан ташқари, фаолияти намунали ва илғор устозларга касаба уюшмаси томонидан пул мукофотлари ажратилиши ҳам анъанага айланган. Табиийки, меҳнати муносиб қадр топган ходим янги куч ва шижоат билан ишлаши, шубҳасиз.

Ўзим она тили ва адабиёт фани олий тоифали ўқитувчисиман. Ўқувчиларим фан олимпиадалари, иншолар, китобхонлик танловларида муносиб ўринларни эгаллаб келишяпти. 2021 йилда «30 йилликка 30 мукофот» танлови ғолиби, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби бўлдим. 2022 йили ўз фанимдан устамали Миллий сертификатни қўлга киритдим. Иш тажрибам оммалашди. Шеърларим, мақолаларим матбуотда тез-тез эълон қилинади. Илмий конференцияларда ҳам фаолман. Ўқувчиларим бугун олийгоҳларда таълим олишяпти.

Мамлакатимизда устозларга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиром Президентимизнинг «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак» деган ғоясининг акс садоси сифатида намоён бўлмоқда. Мана шу инсонпарвар ғояни амалга оширишда ҳар томонлама бизни қўллаётган халқ таълими тизими ва бизни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаётган жонажон касаба уюшмасидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

**Моҳинур ШОДМОНОВА,**
*Ғиждувон туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси*

*Иқтисодиёт*



# МАЙНИНГ: НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТМИ ЁКИ ТАҚИҚЛАНГАН БИЗНЕС?

**Бош прокуратура маълумотларига кўра, ўтган йили 26 та майнинг фермаси ноқонуний иш юритгани аниқланган. Улар давлатга 58 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар етказган. Аниқроғи, 145 мингта хонадоннинг бир ойлик истеъмол эҳтиёжига тенг 29 млн. kWh электр энергиясини талон-торож қилган.**

Таассуфки, бу каби хабарлар одамларда «майнинг тақиқланган бизнес» деган қараш шаклланишига сабаб бўлмоқда. Аслида эса у ноқонуний фаолият эмас. Аксинча, крипто-актив ва майнинг соҳасига хорижий давлатларда анча илгари инвестициявий тадбиркорлик фаолияти сифатида қабул қилинган. Бизда бу борадаги ишлар 2018 йилда бошланди. Хусусан, ўша йил 3 июлда Президентимиз «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Бу ҳужжат инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майнинг, смарт-контракт, консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, шунингдек, маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Унда крипто-актив мулкий ҳуқуқ ҳисобланиб, маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган қиймати ва эгасига эга эканлиги, майнинг эса ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш (турли крипто-активларда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш) бўйича фаолият эканлиги таъкидланган.

Шунингдек, мазкур қарор билан майнинг фақат юридик шахс томонидан қуёш-фотоэлектр станциялари орқали ишлаб чиқилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Агар бирор-бир шахс бу фаолият билан ягона энерготизимига ноқонуний уланган ҳолда шуғулланаётгани аниқланса, унга нисбатан белгиланган тариф 5 баробар ўсувчи коэффициент билан қўлланилади.

Крипто-активлар соҳасини тартибга солиш, бу йўналиш билан шуғулланиш истагидаги шахсларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги зиммасига юклатилган.

Шунингдек, Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом 2023 йил 29 сентябрда .Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган. Унга биноан, майнер ўз фаолиятини фақат рўйхатга олинган пайтда ва кўрсатилган манзилда, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қолаверса, майнер майнингни амалга ошириш натижасида олинган крипто-активларни Ўзбекистонда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган крипто-биржалар орқали сотишга ҳақли.

> **Майнерлар майнингни амалга ошириш натижасида олинган крипто-активларни Ўзбекистонда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган крипто-биржалар орқали сотишга ҳақли.**

Демак, крипто-актив ва майнинг фаолияти билан шуғулланишга юртимизда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Фақат юқоридаги қарорда белгиланган талаблар асосида бу фаолият йўлга қўйилса кифоя.

Хўш, унда сўнгги вақтларда бизда бу юмуш билан ноқонуний тартибда шуғулланувчилар нега кўпайди? Уларнинг қонуний иш юритишларига нима ёки ким халақит беряпти?

– Аслида бу соҳа бироз мураккаб, у билан ҳамма ҳам шуғуллана олмайди, – дейди Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги бошқармаси бошлиғи Асқар Зокиров. – Аввало, крипто-актив нима эканлигини тушуниб олиш лозим. Чунки бу кўпчилик ўйлаётганидек, қандайдир валюта эмас. У номоддий актив. Масалан, уни содда тилда эгаси ва қийматига эга бўлган маълумотлар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин. Бунга қандайдир технология учун олинган патентлар ҳам киради.

Яна ҳам тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсак, крипто-актив – транзакция текширувида банклар иштирок этмайдиган норасмий тўлов тизими саналади. Бу исталган фойдаланувчига тўлов юбориш ва қабул қилиш имконини берувчи, тенг ҳуқуқли иштирокчилар тизимидир.

Крипто-актив билан тўловлар фақат аниқ транзакциялар учун рақамли кўринишда, онлайн маълумотлар базасида амалга оширилади. Ўтказмаларда транзакциялар оммавий рўйхатда қайд этилади. Крипто-актив моддий кўринишда мавжуд эмас, у фақат рақамли ҳамёнда сақланади.

Хўш, у қандай қўлланилади? Крипто-актив, тақсимланган оммавий реестр – блокчейнда ишлаб чиқарилади. Блокчейн валюта сақловчи томонидан янгиланиб борувчи барча транзакциялар ёзувини ўзида сақлайди. Таъкидлаш керакки, крипто-актив – моддий объект эмас. У ёзув ёки ўлчов бирликларини бир шахс томонидан, ҳеч қандай ишонч ва кафолатларсиз учинчи томонга ўтказиш калитидир.

> **Крипто-актив билан тўловлар фақат аниқ транзакциялар учун рақамли кўринишда, онлайн маълумотлар базасида амалга оширилади. Ўтказмаларда транзакциялар оммавий рўйхатда қайд этилади. Криптоактив моддий кўринишда мавжуд эмас, у фақат рақамли ҳамёнда сақланади.**

Крипто-активлар соҳаси икки турга бўлинади: майнинг ҳамда хизматлар провайдери. Хизматлар провайдерлари майнинг фермадан чиқадиган крипто-активларни сотиш, сотиб олиш, айирбошлаш операцияларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Бизда крипто-актив дейилса, ҳамма майнинг фермани тушуняпти. Аслида бу – битта соҳа, иккита алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Крипто-активларнинг турлари жуда кўп. Аммо энг оммалашгани – биткоин. Шунинг учун крипто-актив деганда, кўпчиликнинг хаёлига биринчи бўлиб, биткоин келади. Айни пайтда битта биткоиннинг нархи 41 минг доллар атрофида.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, бугунги кунда мамлакатимизда расман рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини бошлаган майнинг ферма йўқ. Аммо 14 та хизматлар провайдери бор. Ҳозир улар давлат бюджетига 14-15 миллиард сўм миқдорида даромад келтиряпти.

Ушбу мавзуни ўрганиш асносида яна бир неча мутахассислар билан гаплашдик. Уларнинг хулосалари қуйидагича бўлди: майнинг ферма билан шуғулланиш аслида ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Уни тегишли билимга эга шахсларгина амалга ошира олишади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги кунда битта биткоин ишлаб топиш учун тахминан 8 минг долларлик ускуна ўрнатилади ва уларнинг ҳар бири соатига 3 киловаттдан 5-6 киловаттгача электр токи сарфлайди. Бунинг учун 50 киловатт кучланишни кўтара оладиган кабель керак. Демак, бу қадар катта кучланишга эга электр токини унча-мунча одам трансформаторга улай олмайди. Уни эплаш учун мутахассис бўлиш талаб этилади. Биргина мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам юқоридаги тахминлар асосли эканлигидан далолат беради, назаримизда.

Ноқонуний фаолият юритгани аниқланганлар катта эҳтимол билан ўзига тегишли бинони мўмай пул эвазига ижарага берган бўлиши мумкин. Буниси энди суд жараёнида аниқланади.

**Тўлқин БОБОҚУЛОВ,**
*иқтисодчи:*

– 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига, дунёда 13 мингдан ортиқ крипто-актив мавжуд. Аммо ҳозирга қадар фақат битта давлат (Сальвадор)да крипто-активлар расман тан олинди.

4 та крипто-актив – Bitcoin, Ethereum, Solana ва Polkadot асосий крипто-активлар саналади.

2022 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, крипто-актив бозорининг капиталлашиш даражаси 1,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Ушбу бозорда 18 минг дастурчи ишлайди, шундан 680 нафари биткоин муомаласи билан шуғулланади.

Крипто-активларни яратиш механизми 2009 йилда биткоин пайдо бўлгандан кейин бошланди. 2011-2013 йилда крипто-активлар таркибига лайткоин (инглизча Litecoin) ва 2013 праймкоин (инглизча Primecoin) қўшилди.

Пулларнинг янги авлоди бўлиши тахмин қилинаётган крипто-актив бу криптланган, марказлашмаган ва томонлар ўртасида алмашинадиган ҳамда майнинг деб аталадиган усул орқали оммавий китобда тасдиқланадиган рақамли валюта ҳисобланади. Майнинг махсус дастурий таъминотга эга бўлган компьютер қурилмалари воситасида бир қатор математик усуллар орқали транзакцияларнинг ҳаққонийлиги ва бетакрорлигини тасдиқлаш жараёнидир.

**Bitcoinда тизимнинг ишлаш жараёни қуйидаги босқичларда амалга ошади:**

*1. Янги транзакция барча иштирокчиларга эълон қилинади.*

*2. Ҳар бир иштирокчи янги транзакцияларни блокка йиғади. У Blockchain деб аталиб, Бош китоб (Ledger) вазифасини бажаради.*

*3. Ҳар бир иштирокчи ўз блокида қийин proof-of-work математик амалиёти ечимини излайди.*

*4. Иштирокчи ечимни топиши биланоқ уни қолган иштирокчиларга эълон қилади.*

*5. Қолган иштирокчилар ушбу ечимни ундаги барча транзакциялар ҳаққоний ва илгари фойдаланилмаган бўлсагина қабул қиладилар.*

Крипто-активларни уларни алмаштирувчи махсус интернет шохобчалардан сотиб олиш мумкин. Масалан, Bitfinex, Bithumb, GDAX, bitFlyer, Bitstamp, Bittrex, Gemini, HitBTC, Poloniex, Kraken кабилардан. Бунинг учун, аввало, ушбу интернет шохобчаларда одатий валютада рақамли ҳамён очилади ва банк картангиздан ёки ҳисобрақамингиздан маблағ кўчирилади. Сўнгра ушбу маблағ эвазига крипто-активда очилган ҳамёнга крипто-актив олиш мумкин бўлади. Ўша крипто-активларни кейинчалик бу ёки бошқа бозорларда бошқа крипто-активларга ёки бирор одатий валютага айирбошлаш ҳамда интернет дўконлардан ёки интернет тўловларни қабул қилувчилардан маҳсулот сотиб олиш мумкин.

**Крипто-активларнинг афзалликлари:**

- Ягона марказий бошқарувдан холи.
- Пул яратишда тенглик таъминланган.
- Транзакциялар криптография орқали тасдиқлангани боис учинчи ишончли тараф иштирокисиз тўғридан-тўғри амалга оширилади.
- Иштирокчилар ҳар бир транзакциядан хабардор бўлиб туради (Blockchain).
- Аноним, аниқроғи, «тахаллус» (псевдоним) остида иштирок этилади.
- Транзакцион тезкор ва харажатлар паст.
- Чегара билмас тўловлар амалга оширилади.

**Крипто-активларнинг камчиликлари:**

- Ноқонуний савдога йўл очилади.
- Валюта курси юқори тебранувчан бўлади.
- Солиқдан қочиш имкони туғилади.
- Нопок иштирокчилар ёки етарлича компетенцияга эга бўлмаган иштирокчиларни аниқлашнинг имкони йўқ.
- Истеъмолчи ва инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси таъминланмаган.
- Агар иқтисодиётда муаммолар юзага келса, давлат ушбу муаммоларни ҳал этишда пул муомаласини тартибга солиш воситасидан фойдалана олмайди.
- Қарз берувчи сўнгги инстанциянинг йўқлиги.



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*«ISHONCH»*

*Таҳлил*

# ЯГОНА ҲИСОБОТЛАР ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИМИ?

**Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилнинг август ойида тадбиркорлар билан ўтказилган «очиқ мулоқот»ида уларни ўйлантириб келаётган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгиланган эди. Хусусан, тадбиркорларга бир қатор енгилликлар бериш, уларнинг фаолиятига қўйиладиган талабларни юмшатиш, бекор қилиш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Эндиликда тегишли фармон ва қарорлар асосида тадбиркорлар томонидан ҳисоботларни топшириш тизими ҳамда лицензия ва рухсат бериш тартиби соддалаштирилмоқда.**



**Тимур КУДИЯРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:**

– Йиғилишда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлардан ҳисобот ва статистик маълумотларни талаб қилиш тизими тегишлилиги бўйича баҳоланди, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, тадбиркорлар учун хисобот унга тизимини соддалаштириш 3 та йўналишда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Биринчиси, амалдаги мавжуд ҳисобот турларини мақбуллаштириш. Бу орқали бир-бирини такрорловчи ҳисоботлар хатловдан ўтказилди. Мисол сифатида, унга битта давлат органи бошқа давлат органидан олиши мумкин бўлган ҳисоботлар бўлади. Бу бўйича тадбиркорлардан кўплаб талаблар келган. Зеро уларни мақбуллаштириш хисоботлар сони кескин камайишига хизмат қилади. Саъй-ҳаракатлар натижасида 34 турдаги ҳисобот бекор қилинди. Уларнинг 26 таси статистик, 8 таси бошқа турдаги ҳисоботлар эди.

Ушбу ҳисоботлар бекор қилиниши туфайли ҳар йили 21,5 минг нафар тадбиркорнинг 500 млн. сўм миқдордаги молиявий харажатлари тежалади.

Иккинчи йўналиш – Ягона рўйхатни шакллантириш. Эндиликда тадбиркорларнинг кимга қандай қайси даврийликда хисобот топшириши бўйича аниқ рўйхат белгиланади. Ягона рўйхатга амалдаги 209 та ҳисобот туридан 105 таси киритилиб, улар сони 46 фоизга камаймоқда. Эндиликда давлат органлари бу рўйхатга киритилмаган ҳисоботларни талаб қилиши тақиқланади.

Учинчи йўналишда Ягона ҳисоботлар тизими жорий қилинади. Шу тариқа тадбиркорларга анча енгиллик ва қулайлик яратилади. Энди улар тизимга фақат фаолияти доирасидаги маълумотларни киритиб боради. Қолган маълумотлар вазирликлар ўртасида интеграция қилиш орқали шаклланади.

Шунингдек, уларнинг ҳисоботлари ушбу тизим орқали автоматик тарзда шакллантириб берилади. Тадбиркорлар ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлаб беришади, холос. Ягона ҳисоботлар тизими жорий этилиши қоғоз шаклидаги ҳисобот топширишни батамом йўқотади. Маълумотлар фақат электрон кўринишда бўлади.



**Муроджон НАЖМИДДИНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:**

– Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти 5600 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати билан тартибга олинади. Уларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан минглаб талаблар белгиланган. Адлия вазирлиги томонидан 2021 йилдан буён ҳам лойиҳалар, ҳам амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг таъсири баҳолаб келинмоқда.

Ўтган йиллар давомида Адлия вазирлиги томонидан соҳага масъул давлат органлари билан биргаликда 20 дан ортиқ амалдаги қонунчилик ҳужжатлари баҳоланди. Натижада тартибга солиш мақсадларига эришилмаган 10 дан ортиқ талаб, тақиқ ва чекловларни бекор қилиш, шунингдек, 30 га яқин самараси паст бўлган тартибларни қайта кўриб чиқиш бўйича тегишли таклифлар тайёрланди.

Хусусан, мажбурий талаблар, шу жумладан, лицензия ва рухсат бериш тизимини тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш орқали Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Унга кўра тадбиркорларга қатор енгилликлар берилди. Хусусан, фармон билан март ойидан бошлаб 16 та лицензия ва рухсатнома, жумладан, 7 турдаги рухсат берувчи ҳужжат тўлиқ бекор қилинмоқда. Масалан, энди божхона ташувчилари реестрига киришда юкларни ташиш учун рухсатнома талаб қилинмайди.

6 турдаги рухсат берувчи ҳужжат, хусусан, экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун рухсатнома ҳамда махсус товарлар экспорти ва импорти учун лицензия бирлаштирилмоқда.

3 та лицензия ва рухсатнома хабарнома тартибига ўтказилиб, турагентлик фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш мумкин бўлади.

Чиқиш туризмини амалга оширишда 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиб қўйиш бекор қилинади.

Бугунга қадар техник кўрикдан ўтказиш ички ишлар органлари томонидан белгиланган жойларда ўтказилаётган эди. Эндиликда юридик шахсларга тегишли транспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш жойларини ихтиёрий равишда танлаш мумкин бўлади.

Мухтасар айтганда, бу каби амалий ишлар натижасида тадбиркорларнинг қарийб 350 млрд. сўмлик харажатлари тежалади.



**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*



**Эълон**

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай Агрофирмаси» ҳудудида 2,07 га. ер майдонида жойлашган 550 туп гилос, 600 туп олма ва 100 туп беҳи дарахтларидан иборат «Боғзор». **Бошланғич баҳоси – 26 000 000 сўм;**

**2.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай Агрофирмаси» ҳудудида 7,96 га. ер майдонида жойлашган 1887 туп олма (голден навли), 722 туп олма (семерянка навли) дарахтларидан иборат «Боғзор». **Бошланғич баҳоси – 45 000 000 сўм;**

**3.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Маданият» ҚФЙ ҳудудида жами 17,49 га., шундан 14,694 га. ер майдонида жойлашган 16300 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат «Боғзор». **Бошланғич баҳоси – 80 000 000 сўм;**

**Аукцион савдоси 2024 йил 15 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 14-уйда бўлиб ўтади.**

Мазкур объектлар шу куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари 2024 йил 31 декабрга қадар соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБнинг Миробод филиали, ҳ/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сонли РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

**Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:**

**юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;

**жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 14-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотларни (55) 517-08-18 телефон рақами орқали олиш мумкин.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университетининг раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчилар жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси олий таълим муассасаси профессори

**Толибжон ХУДОЙБЕРДИЕВ**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.





*Қашқадарё вилояти*

**Ўтган йил ўзбек спортчилари учун муваффақиятли бўлди. Кўплаб халқаро мусобақаларда медаллар шодаси қўлга киритилди. Ватанимиз байроғи сарбаланд бўлиб, мадҳиямиз янгради. Қувончлиси, катталар қатори ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз аъзолари ҳам юрт шарафини муносиб ҳимоя қилишди.**

*Истеъдод*

# 16 ЁШЛИ ЧЕМПИОН

16 ёшли оғир атлетикачи Дилноза Файзуллаева ҳам мана шу зафарларга ҳисса қўшган чемпион қизлардан. У 2023 йилнинг апрелида Тошкентда ўтган Марказий Осиё очиқ чемпионатида даст кўтаришда 78 кг., силтаб кўтариш машқида 93 кг. оғирликни ўзига бўйсундириб, олтин медалларни қўлга киритди. Августда эса Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида 71 кг. вазн тоифасида иккикураш бўйича бронза медалига мушарраф бўлди. Даст кўтаришдаги (76 кг.) бронза ва силтаб кўтаришдаги (93 кг.) кумуш медаллари бунга замин бўлди.

Оғир атлетиканинг бошқа спорт турларидан фарқи шундаки, спортчи ўзи мўлжаллаган оғирликни ҳар куни забт этиши керак, буйсундириши лозим. У икки ё уч кун тош кўтармадими яна барчасини бошидан бошлашга тўғри келади. Яъни танаффус таъсир қилиб, бемалол кўтарадиган оғирликни ўзига бўйсундира олмайди.

Дилнозани машғулот чоғида учратдик. У устози Даврон Кенжаевнинг кўрсатмалари асосида ўзидан икки баравар оғирликни забт этиш устида ишларди.

...Машғулотлар поёнига етгач ёш чемпион қиздан интервью олдик.

**– Машқларни кузата туриб, чемпионлик йўлидаги ҳаракатлар биз ўйлагандан кўра машаққатли эканини кўрдик. Ушбу қийин спорт турини танлашингизга нима туртки бўлди?**

– Чироқчи туманининг «Уймовут» қишлоғида туғилганман. Оилада етти фарзандмиз, олти қиз, бир ўғил. Шундан мен ва укам спортни танладик. Бунга сабаб дадамнинг дзюдодан мураббийлик қилгани бўлса керак. Оғир атлетикага қадар сузиш, таэквондо, қўл жанги спорт турлари билан ҳам шуғулланганман. Бир куни дадам менга оғир атлетика билан шуғулланишни маслаҳат берди. Шундай қилиб, 12 ёшимдан тош кўтаришни бошладим.

Орадан бир йил ўтиб, ўсмир қизлар ўртасидаги республика биринчилигида қатнашдим. Мусобақада ёши мендан катта қизлар кўп эди. Аммо 33 кг. вазн тоифасида олтин медаль менга насиб этди.

**– Тош кўтариш қиз болага оғирлик қилмасмикан?**

– Айни пайтда мамлакатимизда қизлар орасида ҳам оғир атлетикага қизиқиш ошиб бормоқда ва бу спорт турининг қиз болага зарари йўқ. Устозларимиз дастлаб техникасини ўргатишган. Кейин амалий машқларга ўтганмиз.

Эътибор қилсангиз, бу спорт туридан юртимиз бўйлаб, нафақат эркаклар, балки аёллар ўртасида ҳам жуда кўплаб кучли атлетлар етишиб чиқмоқда. Жумладан, Кумуш Файзуллаева, Муаттар Набиева, Турсуной Жабборованинг мусобақалардаги иштирокини кўриб, уларга ҳавас қилганман. Икки карра жаҳон, тўрт марта Осиё чемпиони Турсуной Жабборова билан бирга шуғулланганман. У ҳам қашқадарёлик.

Спортда мен ҳавас қилган Турсуной опа «штанга» билан жуда қаттиқ ишлайди. Унинг ғалабалари ортида тинимсиз меҳнати ётибди. У чиндан-да кучли, ақлли ва иродали спортчи.

**– 2023 йилда Қарши Олимпия ва паралимпия захиралари тайёрлаш маркази оғир атлетикачилари 66 та медални қўлга киритишди. Бу ютуқда сизнинг ҳам улушингиз бор. Ҳиндистонда ўтган Осиё чемпионатидан қандай таассуротлар қолди?**

– 2022 йил Тошкентда ўтган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги қитъа чемпионатида қатнашганимда отам, онам мусобақани залдан туриб кузатишганди. Далда беришганди. Ўшанда иккикураш бўйича бронза медалига эришгандим. Деҳлидаги Осиё чемпионати вақтида бироз қийналдик. Ҳавоси иссиқ ва дим эди. Яна ҳинд таомларига ҳам кўникишимиз қийин бўлди...

**– Оғир атлетикачида ғалабага эришиш учун қандай сифатлар бўлиши лозим?**

– Меҳнатсеварлик ва ирода. Киши тинимсиз машқ қилса ва сабрли бўлса, кўзланган маррасига албатта, эришади.

**– Бу йилдан нималарни кутяпсиз?**

– Февраль ойида Самарқандда ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтади. Бунда ҳам рақобат кучли бўлади. Апрелда Испанияда жаҳон биринчилиги, июлда эса Филиппинда навбатдаги Осиё чемпионати ўтиши белгиланган. Устозларим билан ушбу нуфузли баҳсларга ҳозирлик кўряпмиз. Ниятим ғалабаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон байроғини кўкларга кўтариш! Жаҳон ва Олимпиада чемпиони бўлиш!

Дилноза машаққатлардан чўчимайди. Ўз фикрига, мақсадларига эга саботли қиз. Демак, чироқчилик ёш чемпионни олдинда катта марралар, юксак довонлар кутаётганига ишонсак бўлади.



**Акмал АБДИЕВ**
*«ISHONCH»*



*Навоий вилояти*

*Орамиздаги одамлар*

# БИЗГА МАРКШЕЙДЕРЛАР ЖУДА ҲАМ ЗАРУР

## ёхуд кончилик соҳасидаги масъулиятли касб ҳақида





Маркшейдерлик кончилик соҳасининг етакчи муҳандислик хизматларидан бири, маркшейдерлар ўз вазифаларини тез ва техник жиҳатдан тўғри ҳал этишга қодир малакали кадрлардир. Уларнинг зиммаларига фойдали қазилмалар конларидан янада унумлироқ ва комплекс фойдаланиш, кон ишларини самарали ва хавфсиз амалга ошириш, ер қаърини, бинолар, иншоотлар ва табиат объектларини кон қазишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш, бажарилган кон ишлари захиралари ва ҳажмларини ҳисобга олиш каби долзарб вазифалар юклатилган.

«Маркшейдерия» *(маркшейдерлик иши)* атамаси XVI асрда Европада пайдо бўлган. У немисча сўз бўлиб, **mark – чегара, scheider эса ажратиш, бўлиш** маъноларини билдиради. Бу касб эгаларининг меҳнати билан ҳар бир коннинг истиқболи белгиланади ва самарали натижаларга эришилади. Шу боис уларни «коннинг кўзлари», дейишади.

Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинати ҳам катта тажрибага эга профессионал касб эгаларининг меҳнатлари эвазига салмоқли ютуқларга эришяпти. Жумладан, корхонанинг маркшейдерлик бўлимларида 145 нафардан ортиқ маркшейдер ва 300 нафардан ортиқ кон ишчилари фаолият кўрсатишяпти. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида кон ишларини аниқ ва тезкор амалга ошириш, ер ости кон ишларида лаҳимлар йўналишини кўрсатиш ва муаммоларнинг бошқа муҳандислик ечимларини топиш зарур бўлади.

XXI аср юртимизда тоғ-кон саноати ривожланишининг инновацион даври бўлиб, мураккаб кон-геологик шароитларида комбинат маркшейдер хизматларида инновацион технологиялар – электрон тахеометрлар, GPS сунъий йўлдош технологиялари ва сканерловчи лазер ускуналари жорий этилиши билан ажралиб туради. Дастлабки ва жорий маълумотларни қайта ишлаш учун «MINEFRAME», «AutoCAD», «ДЕПОС» каби дастурий маҳсулотлардан фойдаланиб, рақамли ахборот технологияларининг жорий этилиши маркшейдерлик ўлчови ҳисоб-китоблари натижалари аниқлиги ва ишончлилигини кучайтиришга имкон берди.

Конларда очиқ ва ёпиқ усулда қазиш ишларини олиб бориш жараёнида ишчи-ходимлар ва кон техникалари хавфсизлигини таъминлаш учун бортдаги силжишларни кенг қамровли мониторинг ва кон зарбаларини прогноз қилиш маркшейдерлик ишининг мураккаб вазифаларидан саналади. Комбинатнинг «Мурунтов», «Ауминзо – Амантой» ва «Довгизтов» очиқ конларида геомеханика хизматлари, «Зармитан» ва «Ғужумсой» ёпиқ конларида кон зарбаларини прогноз қилиш ва олдини олиш хизмати маркшейдерлари бу вазифаларни юксак маҳорат билан адо этиб келишяпти. Улар ўлчов ишларини маркшейдерликнинг охирги инновацион ютуғи ҳисобланмиш учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида амалга оширишлари учун хорижда ишлаб чиқарилган дрон харид қилинди.

– Маркшейдерлик хизмати геология-қидирув, кончилик ишлари йўналишларини кўрсатади, кон ишларида бажарилган ҳажмларни ҳисоблайди ва кон хариталарини тузади, – дейди комбинат бош маркшейдери Шуҳрат Садинов. – Шу боис маркшейдерларни тоғ-кон саноати штурманлари, деб аташади. Мен бу касбга ўқувчилик йилларимдаёқ қизиқиб, унга чамбарчас боғлиқ математика, физика, астрономия каби фанлардан пухта билим олишга интилганман.

Дарвоқе, болалиги Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида ўтган Шуҳрат Садинов ўрта мактабни битиргандан кейин маълум муддат жамоа хўжалигида ишлади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, аниқроғи, 1982 йили мақсадига эришиш учун Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг кон-металлургия факультетида маркшейдерлик мутахассислиги бўйича ўқиди. Меҳнат фаолиятини эса 1989 йили «Самарқандгеология» давлат корхонасининг топогеодезия партияси Зарафшон дала геология-қидирув экспедицияси топографи вазифасида бошлади. 1991-2006 йилларда Навоий қурилиш-механизациялаш бошқармасида муҳандис-геодезист, «Қизилқум» қурилиш артелида геодезист, «Зарафшон – Нюмонт» қўшма корхонасида маркшейдер гуруҳи бошлиғи сифатида фаолият юритди. 2006 йили Навоий кон-металлургия комбинатига ишга ўтди. Дастлаб олтинни уюмда ишқорлаш цехи бош маркшейдери, «Мурунтов» конида геомеханика бўлими бошлиғи, Марказий кон бошқармаси Бош маркшейдери лавозимларида меҳнат қилди. Касбига астойдил қизиққани, иш вақтида кўплаб муаммоларга дуч келгани сабабли маркшейдерлик ўлчаш ишларида ва ҳисоб-китоб жараёнида ёш ходимларни янги замонавий рақамли ўлчаш асбобларидан оқилона фойдаланишга, конларнинг уч ўлчамли моделини яратиш дастурий таъминоти жорий этилишига катта эътибор қаратди.

У 2013 йил октябрь ойидан эътиборан комбинат бош маркшейдери вазифасини бажариб келмоқда. Шунга кўра, ўз малакасини ва маҳоратини ошириб боришни канда қилмайди, сўнгги технологиялар билан ишлашни ўрганади, шогирдларидан ҳам шуни талаб қилади.

– Маркшейдерлик жуда ноёб касб, – дейди алоҳида уқтириб. – У кончилик фани ва техникасининг бир тармоғидир. Маркшейдер фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг барча босқичларида, яъни қидирув, лойиҳалаштириш, шахталарни қуриш, қазиб олиш, кон корхоналарини тугатиш ишларида қатнашади. Бу ундан кучли билим ва тажриба талаб қилади. Чунки ер қаъридаги фойдали қазилма уюмининг шакли ва ўлчами, қазилмада фойдали ва зарарли компонентлар жойлашуви, ўзида сақловчи жинслар хусусияти, лаҳимларнинг фазовий жойлашиши, кон босими ва ер юзаси жинсларининг деформациясига тўғри ташхис қўйиш, график лойиҳаларни чизиш, чизмаларни чуқур таҳлил қилиш, конлар кўринишини фазовий геометрик ўлчаш усуллари билан харитага тушириш каби ўнлаб йўналишлар унинг асосий вазифаларига киради.

Шуҳрат Садиновнинг соҳадаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари муносиб рағбатлантирилган. У «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил», «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонлари ва II, III даражали «Кончилик шуҳрати» кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Яқинда эса «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

– Мен касбимни жуда яхши кўраман, – дейди у қувонч билан. – 35 йиллик меҳнат фаолиятим давомида кўплаб устозлардан сабоқ олдим, ўз навбатида, талай шогирдлар етиштирдим. Ҳар бир касбнинг ҳам енгил, ҳам оғир томонлари бўлади. Шу боис киши ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши керак. Мен шогирдларимга чидам ва ўз устида ишлаш барча тўсиқларни енгиб ўтишда муҳим омил бўлишини бот-бот эслатиб тураман.

Бугун комбинатнинг барча бўлинмаларидаги маркшейдерлик хизматларида замонавий ўлчов асбоблари ва дастурий таъминотлар жорий этилган. Ўз навбатида, ўлчаш ва ҳисоб-китоб жараёнида янги технологиялар изчил такомиллаштирилаётгани маркшейдерлар зиммаларидаги вазифаларни белгиланган муддатда ва сифатли бажаришига хизмат қилмоқда.



**Азамат ЗАРИПОВ,**
*журналист*

**Одамзод меҳнат ва матонатсиз ўз инсоний қадр-қимматини сақлай олмайди. Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритилмайди. Инсонни комилликка етакловчи улуғворлик сари даъват этувчи ягона куч эса унинг матонатидир.**




Дунёда эрта-ю кеч тер тўкиб меҳнат қиладиган, бироқ хизмати эвазига ҳеч қандай ҳақ талаб қилмайдиган фидойилар ким аслида? Бу саволни ўзимга берганим ҳамон кўз олдимда ота-онам сиймоси қайта-қайта гавдаланаверади...

Юртимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда турмуш оғир эди. Уйда ҳам дўконларда ҳам ун йўқ. Қадимда ота-боболаримиз уйинг буғдойга тўлгур, деб бекорга дуо қилишмаганини шундай пайтларда чуқурроқ ҳис этасан. Кўпчилик қатори бизга ҳам ажратиб берилган томорқа ерига буғдой экканмиз. Лекин бу иш машаққатли меҳнат ва сабр-тоқат талаб этади. Айни жавзо иссиғида ҳосил ғарқ пишади. Тезда йиғиштириб олинмаса, ерга тўкилиб нобуд бўлиши тайин. Бироқ ундан ҳам каттароқ муаммо бор: буғдойни пояси билан ўрсанг, қуруқ бошоқлар қирт-қирт узилиб ерга тушади, кўпи увол кетади. Дадам янги усул ўйлаб топди. Аввал бошоқларни кесиб олиб, кейин сомонини ўрамиз. Бу иш тонг саҳардан бошланмаса, кейин янаям қийинлашади. Ўримни бошлайдиган кун азонлаб ота-онамнинг ғўнғир-ғўнғир овозларидан уйғониб кетаман.

– Болаларни уйғотсамми, – дейди онам секингина, дадам «ҳа» деб жавоб қайтармаслиги учун шошиб, гапида давом этади. – Ўзимиз бошлай қоламиз. Эрталабки намда шамоллаб қолишмасин.

Опам шаҳардаги тайёрлов курсида ўқишга кетган. Акам иккимиз ёзги таътилдамиз. Саҳармардонлаб бизни томорқага судрашга отамнинг ҳам кўзи қиймайди...

Тонг отиб, кун қизий бошлаганда буғдой ўриш азоб. Қуруқ сомон оёқ-қўлларингни кесиб юборади, оғзинг чангга тўлиб кетади. Буғдойнинг бошоғини қирқиб олиш уч-тўрт кун вақтни олади. Бошоқни ҳам, сомонни ҳам йиғиштириб олгач, буғдойни эзиб донини чиқариш ишларига киришилади. Дадам эшак билан хўп ҳайдатмоқчи бўлди, лекин бу қурғур жонивор ҳам камёб бўлиб кетган. Қишлоқда фақат Эшмурод ака, Вася лақабли дадамнинг адашлари Амрилло тоға, чорраҳадаги уйда яшайдиган Аҳмад бобода бор холос. Серфарзанд оилалар бу жониворни ўзларининг юмушларига кўпроқ яратади. Сўраш ноқулай. Дадам ноилож цемент супа юзига бошоқ ёйиб чиқади, кирза этигини кияди-ю, пошнаси билан қаттиқ-қаттиқ юриб, бошоқларни эза бошлайди. Ҳовлида минглаб бошоқлар уюлиб ётибди. Энди ўн учга кирган акам ўзича дадамга ёрдам беришга киришади-ю, офтобнинг тиғига тоб беролмай, ҳолсизланади, тез-тез чанқайди. Дадам буни сезиб тургани учун ҳар хил юмушлар билан акамни салқинроққа жўнатади. Ўзи эса ишида жадал давом этади. Агар озроқ вақт йўқотса, қилт этган шамол кўринмайдиган жазирамага қолиб кетиши мумкин. Дадам билан онам сал шабада эсиши билан бирор каттароқ идишга буғдойни солиб, бошлари узра баланд кўтарганча, оз-оздан ерга тўка бошлайдилар. Шунда донга қўшилган майда сомон ва қум ҳавога учиб кетади. Ҳавони чанг қоплайди, оғзингни мато билан маҳкам тўсиб олсанг ҳам бўғилай дейсан, кўзларинг ёшланиб кетади.

Кейин дадам акам билан донни қопларга солиб, тегирмонга олиб кетишади. Навбат етиб бир неча кундан сўнг буғдойимиз унга айланиб, хонадонимизга қайтади...

Орадан бир муддат вақт ўтгач, «ўтиш даври»нинг бу азоб-уқубатлари тарихга айланди. Бозорларимиз нон, ун-буғдойга тўлди. Биз, фарзандлар ўсиб улғайдик. Ўқиб касб-кор эгалладик. Ота-онамизнинг қўл-қанотига айландик. Лекин улар ҳали-ҳануз фарзандлари учун куйиб-ёнишдан, невараларни улғайтириш ташвишидан ортмайдилар.

Горькийнинг шундай сўзлари бор: «Қилаётган ишингни севишинг керак, ана шунда ҳатто энг оғир меҳнат ҳам ижодга айланади». Демак, ота-оналаримиз биз учун қилаётган меҳнатларини, чекаётган заҳматларини севишади. Ота-оналаримиз – чинакам ижодкор. Уларнинг қадоқ қўллари, офтобда қорайган юзлари, жонсараклик балқиб турган кўзларидан жумлаи жаҳон сабоқ олсин!

Ота-она – меҳнат тимсоли. Бу ишни касб деб атайсизми, мансабми, масъулиятми ёки улуғворлик сари элтувчи йўлми, ихтиёрингиз. Аммо бир ҳақиқат аёнки, ҳаёт ва тириклик ота-онанинг ҳалол ва машаққатли меҳнати маҳсулидир.

Раҳмат, Отажон!
Раҳмат, Онажон!



**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 23:00
**Topshirildi –** 23:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 018 та**
**Shundan:**
**7540 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**19 016 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**8462 nusxasi** «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtm G 111**

1 2 3 4 5 6